

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Fevral – 2024

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Султонмурод Олим. Қитъаларга сингган қат-қат ғоялар 3

ЭҲТИРОМ ВА ИФТИХОР

Сирожддин Саййид. Замон қасри. Достон 16

АДАБИЙ ЖАРАЁН

Давра суҳбати. Яқин келажак адабиёти ҳақида ўйлар 27

ҚЎШНИМ – ҚАРДОШИМ

Абдимомун Қалбаев. Ҳикоялар.

(Қирғиз тилидан Аҳмаджон Мелибоев таржимаси) 36

Баян Тиленшина. Тунни тўзғитган ғиён. Қисса.

(Қозоқ тилидан Умрой Каримова ва Дилором таржимаси) 141

НАСР

Харуки Мураками. Тун зулмати ортида. Роман.

(Рус тилидан Алишер Отабоев таржимаси) 54

Василий Шукшин. Мен сизга эрк олиб келдим. Роман.

(Рус тилидан Наби Жалолиддин таржимаси) 91

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Олмос Хуррамов. Илмий тадқиқотларда тарихий воқелик талқини 176

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

Иқбол Қўшшаева. Маҳзун кузнинг сарғимтир ранги 182

ТАРЖИМА ТАДҚИҚИ

Гуландом Қурамбоева. Адабий дўстлик жонкуяри 189

АФОРИЗМЛАР

Тўлқин Муҳиддин. Тафаккур қаламчалари 201



бобокалонини
ну таҳлил
мотнинг у ё
бўлган. Тас
нақшбанди
мизнинг ял
мумкин. Ам
нинг дастла
Девонда
ган. “Ғарой
мий сарлав
нага кўра, б
ҳақиқатида
рон” деган
заиф, “хир
Тангри зот
эгаларинин
ни маълум
унинг нима
Иккинч
(с. а. в.) ҳақ
роқдуру на
эса: “Фано
нуши – ул э
да таъми
боқийлик а
айтмоқчик
бўйинга ол
тушунчала

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК ТАЛҚИНИ

Ҳозирги ўзбек насрида Бобур ва бобурийлар образини талқин этиш учун тарихий, адабий-илмий манбалар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун эътиборга олиб, дастлаб шу манбаларнинг мухтасар таснифи ва таҳлилини бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Бу доирага кирадиган манбаларни икки гуруҳга бўлиб, бирламчи ва ёрдамчи тарихий манбалар сифатида тасниф этиш мумкин.

Бобур ва бобурийлар даврини ўрганишда Бобурнинг бизгача етиб келган “Бобурнома” ва бошқа асарлари муҳим аҳамият касб этади. “Бобурнома”нинг Британия кутубхонаси, Қозон босмаси, Ҳайдаробод нусхалари асосида мукаммал нашри чоп этилишида Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев, Саидбек Ҳасанов каби ўзбек олимлари ва Анетта Бевриж, япон олими Эйжи Маноларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, матншунос олим Саидбек Ҳасанов Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев, Эйжи Мано нашрлари қиёси асосида нашрга тайёрлаган “Бобурнома” ҳар жиҳатдан мукаммаллиги билан эътирофга лойиқ.

Мутахассислар “Бобурнома”ни тарихий, мемуар, географик, этнографик, биографик асар сифатида баҳоланган. Айтиш мумкинки, “Бобурнома” бадий-тарихий, эстетик-этик ва руҳий-психологик жиҳатларни ҳам ўзида акс эттиради. Бобур шахсияти ҳақида маълумот берувчи автобиографик асар бўлиши билан бирга, биринчи ўзбек илмий-тарихий, адабий-илмий биографияси намунаси ҳамдир. Ўқувчи унда муаллиф автобиографияси ва образидан ташқари бошқа кўплаб тарихий шахслар ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Шунингдек, бу асар унганча ёзилган тарихий асарлар анъанасини давом эттирибгина қолмай, бадий-тарихий насрни янги босқичга олиб чиқди. “Бобурнома”нинг баён услуби, ундаги турли-туман бадий санъат намуналари, воқеот, ҳолат, тушлар тасвири, бутун ва парча шаклида келадиган лирик асарлар бундай фикрга тўла асос беради. Бобур ва бобурийлар тарихий образини шакллантиришда асардаги бу каби хусусиятларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бобур Мирзонинг долғали ҳаёти, дарбадар кечмиши унинг барча асарлари бизгача етиб келиш имкониятини чеклаган. Ҳозирга қадар бевосита Бобур қаламига нисбат бериб келинадиган бир девон, ислом ақидалари баён этилган “Мубаййин” шеърий рисоласи, тасаввуфга доир назмий йўлда таржима қилинган “Волидия” асари, “Хатти Бобурий” алифбо жадвали ва ўтган асрнинг 80-йилларида

профес
Комро
барчас
ишонч
ликлар
матли
аниқ т
ҳамда
Боб
ёрдамч
малли
хос хус
Ёрдамч
рийлар
Иккин
тарихч
тадқиқ

Ҳар
сиятин
қилиш
нинг “
ўринл
Хор
катта
тақил,
либ, ж
цион к
бу бил
рини к
этгани
Темур
тинчи
ри ижт
фикр-н
ларга

“Т
бўлма
тез-те
да хис
ҳам ж
аллар
ҳақда

Бу
Мирзо

¹ Бекж
“Ҳаби
акцияд

Jahon A

профессор Бегали Қосимов томонидан топилган Бобурнинг ўғли Комрон Мирзога ёзган мактуби бизга маълум. Ушбу асарларнинг барчаси Бобур ва бобурийлар даври ижтимоий ҳаёти, фалсафаси, ишонч-эътиқоди, шахсий фазилатлари ва инсонга хос бўлган камчиликлари, руҳий, маънавий ҳолатлари ҳақида хабар берадиган қимматли манбалар ҳисобланади. Тарихий асар муаллифлари уларни аниқ тизим асосида ўрганмасдан туриб, Бобур ва бобурийлар образи ҳамда характерини поэтик талқин этишлари қийин.

Бобур ва бобурийлар образини талқин этишда асос бўладиган ёрдамчи манбаларнинг ҳам тарихий адабиёт такомилли ва мукамаллиги учун ўрни беқиёс. Бундай манбалар ҳам макон ва замонга хос хусусиятлари, талқин принциплари жиҳатидан иккига бўлинади. Ёрдамчи манбаларнинг биринчи тоифасига бевосита Бобур ва бобурийлар даврида ижод этилган тарихий асарларни киритиш мумкин. Иккинчи тоифа асарлар сирасига хориж ва ўзбек адабиётшунослари, тарихчилари, этнографлари томонидан ёзилган илмий, монографик тадқиқотлар, тарихий-бадий рисолалар, эсселар киради.

Ҳар икки тоифадаги асарлар ёзувчига Бобур ва бобурийлар шахсиятини тамомила ўзга ракурслардан кузатиш, баҳолаш ва талқин қилиш имконини беради. Шундай манбалардан дастлаб Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар” асарини эсга олиш ўринли бўлади.

Хондамирнинг ушбу асари араб ва ажам халқлари тарихига оид катта даврни қамраб олади. Асар уч бобдан иборат. Ҳар бир боб мустақил, айна пайтда ўзаро боғлиқ тўрттадан жуздан таркиб топган бўлиб, жами ўн икки жузни ташкил этади. Бизнингча, бундай композицион қурилишда йилнинг ўн икки ойига рамзий ишора бор. Муаллиф бу билан абадий айланиб турувчи замон ҳақидаги фалсафий қарашларини ифодалаши билан бирга, ўз асарида башарият тарихини баён этганини таъкидламоқчи бўлади. Бобурга доир маълумотлар Амир Темур ва темурийларга бағишланган учинчи бобининг учинчи, тўртинчи жузларидан жой олган. Бунда муаллиф ўзи гувоҳ бўлган, ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаётини мушоҳада ва қиёс қилиш орқали келган фикр-қарашларини баён этган. Бу жиҳат асарнинг ишончли далилларга бойлигини, ўша давр руҳиятига яқинлигини таъминлаган.

“Тарихнавис Хондамирнинг бу маълумотлари шунчаки ахборот бўлмай, ўша пайтлар элчи сифатида ва бошқа турли сабаблар билан тез-тез Бобур Мирзо билан учрашиб турган муаллиф бу темурийзода хислатларидаги “юрт олувчилик ва жаҳонбонлик” қирраларининг ҳам жонли тасвирини гавдалантириб, бу чизгиларга фактик материалларни илова қилиш орқали реаллик бағишлайди”, – деб ёзади бу ҳақда филология фанлари номзоди Исмоил Бекжон¹.

Бу тоифадаги тарихий асарлардан яна бири Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий” асаридир. Асарда туркий давлатчи-

¹ Бекжон И. Кириш /Ғиёсиддин бин Ҳумомиддин Хондамир. Буюклик хислати. “Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар”. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бosh тахририяти. 2011. 7-бет.

ликка доир улкан тарих қамраб олинган. Бундан ташқари, муаллиф тирик гувоҳлардан эшитган, ўзигача ёзилган тарих китобларидан ўқиб ўрганган, шунингдек, бевосита ўзи гувоҳ бўлган воқеалар, шахслар ҳаётининг кўлами ниҳоятда кенг. Муаллиф йирик сиёсий арбоблар, мулк ва салтанат эгалари тарихини бериш билан чекланмайди. Унда илм, санъат ва адабиёт аҳли ҳақидаги ноёб далиллар баён этилган ўринлар талайгина. Жумладан, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби пирлар, Камолитдин Беҳзод сингари катта мусаввирлар ҳақида “Тарихи Рашидий”да келган маълумотлар бошқа тарихий асарларга қараганда бетакрор. “Тарихи Рашидий”нинг Бобур ва бобурийлар образини талқин этишдаги аҳамияти шундаки, асарда биргина Бобурнинг ўзи эмас, унинг авлодларидан Ҳумоюн ва Комрон Мирзолар ҳаётининг муҳим саҳифалари ҳам ёритилган. Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ўзи насаб жиҳатидан Бобур Мирзога холавачча бўлгани боис асарнинг бевосита муаллиф биографиясига бағишланган саҳифалари ҳам бобурийлар тарихи билан чамбарчас боғланиб кетади.

Асар изчил тарихийлик тамойили асосида ёзилган. Ҳаққонийлиги, фактларни холис талқин этиши жиҳатидан “Бобурнома” билан бўйлаша олади. Мутахассислар бу ҳақда “Воқеа-ҳодисалар талқинининг изчиллиги, муаллифнинг оғзаки ишонарсиз маълумотларни асарга киритмаслиги, тарихий арбоблар шахсиятига ҳаққоний оқиллона муносабат, ҳатто диний нуқтаи назардан ўзи лаънатлаб турган шахс ва унинг сўзлари, мактублари ҳаққониятига эришиш, талқинда фикр тиниқлиги, баландпарвоз мураккаб жумлалардан қочиш, самимийлик тарихчи ва адиб Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг услубини белгилайди”, деган жиддий фикрни илгари суришади¹. Асардаги бундай жиҳатлар, бизнингча, ижодкорларимизга Бобур ва бобурийлар образини XV–XVI асрларга оид тарихий муҳитни тўла тасаввур қилиш, тарихий шахслар, характерлар, воқеа ва деталларни қиёслаш, пировард натижада тарихий образларни тўлақонли ишлаб чиқиш имконини вужудга келтиради.

Гулбаданбегимнинг “Ҳумоюннома” асари эса Бобур шахсияти ва бобурийлар ҳаётини ёритишда маиший-биографик аҳамиятга моликлиги билан қимматлидир. Агар юқорида келтирилган асарларда Бобур ва бобурийлар салтанати, унда муҳим роль ўйнаган тарихий шахсиятлар кўпроқ улкан сиёсий воқеа-ҳодисалар фониди талқин этилса, Гулбаданбегим асарида шу шахслар ҳаёти ҳамда фаолияти оилавий, маиший фонди тасвир этилади. Бу асар орқали биз биринчидан, Бобур ва бобурийлар ҳаётининг бошқа тарихчилар билиши, кузатиши мумкин бўлмаган сирли томонларидан воқиф бўлсак, иккинчидан, бобурийлар тарихининг аёл тарихчи, Бобурнинг қизи нуқтаи назаридан ёритилишига гувоҳ бўламиз². Асардаги бундай

¹ Раҳмонов В., Эгамова Я. Тарихлар гулистони /Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. Ваҳоб Раҳмонов ва Янглиш Эгамова таржимаси. – Тошкент: “SHARQ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2010. 11-бет.

² Қаранг: Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. – Тошкент. 1959.

ўзига хос талқин, аёлга хос нозик кузатувлар, фарзанднинг ота ва оға-инилари ҳақидаги ҳиссий ҳамда ақлий мушоҳадалари Бобур, қолаверса, бобурийлар образининг маиший, интим, психологик тасвирида улкан аҳамият касб этади.

Бобур ва бобурийлар тарихи хорижлик мутахассислар томонидан кўп ўрганилган. Айниқса, Эйжи Мано сингари ҳассос олимларнинг тадқиқотлари бобуршунослик тараққиёти учунгина эмас, Бобур ва бобурийлар ҳақида бадиий-тарихий асарлар ижод этиш учун ҳам қимматли манба сифатида хизмат қилмоқда. Бу ўринда биз Бобур ва бобурийлар ҳақида хорижлик мутахассислар ёзган тўрт асарга тўхталиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз. Булар Уильям Эрскиннинг “Бобур Ҳиндистонда”, Л.П.Шарманинг “Бобурийлар салтанати”, Румер Годеннинг “Гулбадан”, Қамар Райиснинг “Бобур шахсияти ва шеърляти” асарларидир. Хориж олимлари ёзган асарларда келтирилган маълумотларнинг аксарияти Бобур ва бобурийлар ҳақидаги бизга маълум манбалардан олинган. Шу боис бир қарашда улар биз учун муҳим далиллар бера олмайдигандек туюлади. Европа кишиларига Шарқнинг буюк саркардаси ва санъаткорини таништириш мақсадида ёзилган бундай асарларда муаллиф муҳим деб ҳисоблаган тарихий фактлар умумлаштирилади. Муҳим саналмаган воқеа-ҳодисалар ташлаб кетилади. Аммо шунга қарамасдан, бундай манбаларнинг илмий, тарихий, адабий жиҳатдан бир муҳим томони бор. Бунда биз ўз аجدодларимиз тарихининг ўзга тил, маданият, дунёқарашга эга мутахассислар томонидан амалга оширилган талқинига гувоҳ бўламиз. Ўзимизни, субъектив тарихимизни тамомила бошқа ракурслардан кузатиш, бегона бир позицияда туриб баҳолаш имконини қўлга киритамиз. Бу эса бизга тарихий, бадиий, адабий-илмий асарлар яратишда объективлик ва холислик тамойилларини шакллантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шотландиялик тарихчи Уильям Эрскиннинг Ҳиндистон тарихига бағишланган асари уч қисмдан иборат. Дастлабки қисмида Ҳиндистоннинг энг қадимги ва ўрта асрлар тарихи ёритилган бу асарда асосий эътибор Бобур ва бобурийлар даврига қаратилган. Муаллифнинг ўзи асарнинг муқаддима қисмида бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтади: “Ҳиндистон тарихининг 1- ва 2-даврлари жуда кўп тарихий манбаларда ёритилгани учун биз асосан, 3-давр (Бобур ва бобурийлар даври – О.Х.)ни ёритишга уриниб кўрамиз. Бу давр тарихи Европа тилларида деярли ёритилмаган. Шунинг учун ушбу асар Ҳиндистоннинг ҳаёти билан қизиқувчилар учун яхшигина манба бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз”¹.

У.Эрскин ушбу асарини ёзишда асосан “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларидан фойдалангани кўриниб турибди. Олим асарни ёзиш жараёнида Бобур келтирган кўплаб тарихий маълумотларни Муҳаммад Ҳайдар Мирзо асаридаги далиллар билан солиштириб боради. Керак ўринларда муқоёса натижаларидан келиб чиқиб ху-

¹ Эрскин У. Бобур Ҳиндистонда. Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тархи. Инглиз тилидан Ғафуржон Сотимов таржимаси. – Тошкент: Чўлпон нашриёти. 1995, 5-бет.

лосалар ясайди. Далилларни умумлаштириш ва баҳолашда эркин фикрлаш, имкон қадар холис бўлишга уринади.

У.Эрскининг Бобур шахсияти ва табиатига доир хулосалари у ҳақда ёзилажак ҳар қандай бадиий асар учун қўл келади. Муаллиф Бобурдаги жанговарлик, мардлик, шижоат, қатъийлик каби эр киши ва ҳукмдорга хос сифатларнинг марказида саҳийлик ва раҳмдиллик туришига қайта-қайта ўқувчи эътиборини тортади. Унинг эл орасида “қаландар” номини олганига урғу беради. Айнан шундай фазилати боис унинг яқинлари, лашкари ва оддий халқ орасида катта ҳурмат қозонганини таъкидлайди. Дўстлари бошига тушган кулфатлардан қаттиқ изтироб чекканини самимият билан тасвирлайди: “Бобур Оҳангарон томон йўл олди ва у ерда яқин қариндоши (тутунган оғаси) Нўён Кўкалдошнинг ўлганини эшитди. “Ҳақиқатан ҳеч ким билмасди, – дейди Бобур (“Бобурнома”дан парча беряпти – О.Х.), – унинг ўлими менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Бир ҳафта – ўн кунгача йиғлаб юрдим”. Шаҳзодадаги бунчалик кўнгилчанлик кишини ҳайратга солади. Унинг кишиларга бўлган муносабати ҳамиша самимий ва манманликдан узоқда эди”¹.

У.Эрскин китобида таъкидланганидек, Бобурнинг ҳозирги Тошкент вилояти Паркент туманига қарашли Деҳкат қишлоғида бўлгани, у ерда 111 ёшли кампирдан соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳиндистонга юришлари ҳақидаги ҳикояларни тинглагани, бу ҳикоялар шижоатга тўла ўспирин қалбида Ҳиндистон муҳаббатини уйғотгани, кейинчалик Ҳиндистонда улкан бобурийлар империясига асос солишига сабаб бўлган. Айни фикрлар Л.П.Шарма ва Қамар Райис асарларида ҳам қайд этилган. Бизнингча, бу фикрларда асос бор. “Бобурнома”даги тасвирларда ҳам ўз юртида сарсон-саргардон кезган, кейинчалик Афғон ўлкасида ҳукмдорлик тожини кийган, катта ҳудудларга эгалик қила бошлаган Бобур кўнглини Ҳиндистон орзуси бир умр маҳлиё қилиб келгани аниқ билинади.

Тарихий воқеалар баёнида Бобур шарҳламаган баъзи фактлар талқинида У.Эрскин кўпроқ “Тарихи Рашидий”га суянади. “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларидаги айрим фактларни солиштириб, масала моҳиятини очишга ҳаракат қилади. Масалан, муаллиф Самарқанд қамали пайтида Хонзодабегимнинг Шайбонийхон кўлига ўтиши масаласида “Бобур истамайгина гапиради”, деб ёзади. Тафсилотларни очиқ баён қилишдан тийилганига эътибор қаратади. Ёки Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг молия вазири Амир Нажим томонидан Қарши қалъаси қирғин қилиниши воқеасининг “Бобурнома”да баён этилиши ҳам У.Эрскинни унча қониқтирмайди. Айнан шу ўринда Бобурнинг ҳукмдор ва сиёсатчи сифатидаги хатолари Мирзо Ҳайдар асаридаги далиллар кўмагида ойдинлаштирилади².

Бу асар, асосан, тарихий воқеликни Бобур шахсияти атрофида ёритиб беришга қаратилган бўлса-да, баъзи ўринларда бобурийзодалар ҳақидаги фикрлар ҳам учрайди. Асардаги Ҳумоюн Мирзо, Ҳин-

¹ Эрскин У. Кўрсатилган асар. 30-бет.

² Қаранг: Эрскин У. Кўрсатилган асар. 27-66-бетлар.

дол Мирзо дирмайди. Анвар ис асардан А вий, Ибро тафсилот ради.

У.Эрскинома” асарифлар ўтутилмоаллифинини кўрқиёфасин ўз фаолидорлик вгини ўтмрироқ кияхши кўрда у шижустун чиларича, б девори у эди...”, “А ди. Чунк ши мумк асарлари га оид б беради. З рийлар к касб эта,

Умум яратиш, образлар ишлаб ч далилла гиясига нинг ян

дол Мирзо, Гулбаданбегимга оид ўринлар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ҳатто асарда Бобурнинг гўдаклик пайтида нобуд бўлган Анвар исмли ўғли ҳақида ҳам далиллар келтирилади. Шунингдек, асардан Амир Темур, Умаршайх Мирзо, Шайбонийхон, Исмоил Сафавий, Иброҳим Лўдий сингари тарихий шахслар ҳақидаги талқин ва тафсилотлар жой олганки, бу унинг тарихий қимматини янада оширади.

У.Эрскин асарининг яна бир муҳим жиҳати унда Бобур ва “Бобурнома” асари ҳақидаги самимий умумлашма хулосалар, тавсиф ва таърифлар ўрин олганида кўринади: “Бу асарнинг (“Бобурнома” кўзда тутилмоқда – О.Х.) жозибадорлиги, – деб ёзади муаллиф, – асар муаллифининг феъл-атворидадир. Узоқ умрнинг барча азоб-уқубатларини кўргандан кейин ҳам, яна саҳий қалб эгаси ва саховатли инсон қиёфасини сақлаб қолиш, юмшоқ кўнгил ва сабр-қаноат билан яна ўз фаолиятини давом эттириш ҳаммага ҳам хос бўлавермайди. Хукмдорлик ва улуғворлик одатда кишининг нозик дидини ва сезгирлигини ўтмаслаштиради...”, “Бобур бақувват гавдали, ўрта бўйдан юқорироқ киши бўлиб, жисмоний ҳаракат талаб қиладиган ўйинларни яхши кўрар, ўткир мерган ва моҳир қиличбоз эди. Жуда кўп ҳолларда у шижоатини намойиш қилар ва яккама-якка жангда рақибидан устун чиқарди. Унинг гавдаси шу даражада бақувват эдики, айтишларича, баъзан ҳар икки кўлтиғига икки кишини қисиб олиб, қалъа девори устида айланиб юрар ва шу тарзда йўлдаги тўсиқлардан ўтар эди...”, “Агар Бобур ичкиликдан эртароқ воз кечганда улуғ иш бўларди. Чунки унинг ҳаётини қисқартирган нарса ана шу ичкилик бўлиши мумкин...”¹. Буларнинг барчаси У.Эрскиннинг Бобур шахсияти ва асарларини холис ўргангани, бу билан чегараланиб қолмай шу даврга оид бошқа тарихий манбалардан ҳам фойдаланганидан далолат беради. Энг муҳими, бу асардаги талқин ва хулосалар Бобур ва бобурийлар образининг тўлақонли яратилиши учун салмоқли аҳамият касб этади.

Умуман, ҳозирги ўзбек адабиётида тарихий мавзуларда асарлар яратиш, бу йўналишда жанрлар хилма-хиллигига эришиш, бадий образларнинг тарихий нуқтаи назардан тўлақонли намуналарини ишлаб чиқиш имкониятлари кўп. Тарихий манбаларда келган ҳаётий далиллар, реал ахборотлар, шахс дунёқараши, фалсафаси, психологиясига оид талқинлар ўзбек адабиётида тарихийлик тамойилларининг янада юксакроқ даражага кўтарилиши учун замин ҳозирлайди.

Олмос ХУРРАМОВ,

Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

университети ўқитувчиси

¹ Эрскин У. Кўрсатилган асар. 106-107-бетлар.